

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2011 йил 14 июнь, № 116 (5283)

Сешанба



РОССИЯ ПРЕЗИДЕНТИ ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг таклифига биноан Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведев 13 июнь куни амалий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Тошкент аэропортида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов билан Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведев ўртасида қисқача суҳбат бўлиб ўтди.

Ушбу ташриф икки томонлама ҳамкорликка оид кенг кўламли масалалар юзасидан мунтазам учрашувлар ўтказиб турадиган Ўзбекистон ва Россия раҳбарларининг ўзаро ишонч ва очиқлик руҳидаги аён доирасида ташкил этилмоқда.

14 июнь куни бўлиб ўтadиган музокараларда жаҳон молиявий-иқтисодий инқи-

розига қарамасдан барқарор мустақамланиб бораётган ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий алоқаларга алоҳида эътибор қаратилади. 2010 йилда икки томонлама товар айирбошлаш ҳажми қарийб 1,5 баробар ўсиб, 6,4 миллиард АҚШ доллариغا етди. Жорий йилда ҳам шундай динамика кузатишмоқда.

(ЎЗА).

СУРАТДА: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведев суҳбат чоғида.

Аъло АБДУЛЛАЕВ олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИ МАЖЛИСИДА ИШТИРОК ЭТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Давлат раҳбарлари кенгашининг 2011 йил 14-15 июнь кунлари Остона шаҳрида бўладиган навбатдаги мажлисида иштирок этади.

ҚИШЛОҚ ТИМСОЛИДАГИ ТАРАҚҚИЁТ

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида қишлоқларимизда олиб борилётган кенг кўламли ислохотлар, улкан бунёдкорлик ишлари ҳақида.

Психологларнинг таъкидлашича, тасаввур муайян билим, қараш, маълумот ва ахборот орқали шаклланади. Тўғри тасаввур одамнинг қизиқишини, интилишини ошириб, муайян нарса ва ҳодисалар ҳақида чуқур билим олишга ундаса, нотўғри тасаввур баъзан шошилинч ҳулосалар чиқарилишига сабаб бўлади.

Биз баъзан онгу шууримизга ўрнашиб қолган нотўғри тасаввурга таяниб, фикр юритамиз, муносабат билдираемиз. Айрим ҳорижлик кишиларнинг Ўзбекистон ҳақидаги нотўғри тасаввуридан кўнгилмиз оғрийди-ю, бироқ ўзимиз ҳам яқин-яқингача ана шундай тасаввур билан яшаганимизни тан олгимиз келмайди. Қишлоқ билан шаҳар ўртасидаги катта тафовут

бизнинг қишлоқ ҳақидаги қарашларимизни, қишлоққа муносабатимизни қай даражага олиб келганини ўйламаймиз ҳам.

Умр бўйи юзаки маълумотлар билан яшаган, бирор марта қишлоққа бормаган шахарлик кишининг онгда ҳам тайёр, қолига солинган тасаввур шаклланиб қолган эди. У қишлоқ деганда чанг, туپроқ кўчаларни, четану қорасувқ қилинган паскам паҳса уйлари, пештоқдаги ёзуви ўчи кетган кўрмисиз мактабни, қоровулхонага ўхшаш медресани, эшак миниб юрадиган болаларни, даладан бери келмайдиган эркаклар юзлари офтобда қорайган аёлларни тасаввур қиларди, холос.

(Давоми 2-бетда).

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Мамлакатимизда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловлари ўз яқиниға етмоқда. Андижон вилоятида эса ушбу ижтимоий-сиёсий тадбир муваффақиятли ўтди.

ИСЛОХОТЛАРНИНГ ФАОЛ ИШТИРОКЧИСИ

Авалло, бу ерда сайловларга пухта ҳозирлик қилинган мазкур тадбирнинг қонунийлик, очиқлик ва ошқоралик та-

фазилатларга эга оқсоқол юртимизда амалга оширилатган ислохотларда фаол иштирок эта олади.

Дарҳақиқат, фуқаролар йиғинларида сайловлар юқори даражада ўтказилди. Буни номзодларнинг сайловдаги дастурлари пухта-пишиқ бўлиб бораётгани мисолида ҳам яққол кўриши мумкин. Зеро, барча номзодлар 2,5 йил давомида амалга оширилган бўлган ишларини ўз дастурларида батафсил кўрсатиб беришди. Избоскан туманидаги Гузар маҳаллиси раислигига сайланган Аъзамжон Солиев дастурини олиб қарайлик. У дастурда тадбиркорликни ривожлантириш, маҳаллада янги иш ўринлари яратиш, маданий-маънавий меросни асраб-авайлаш масалалари катта эътибор қаратган. Шу боис вакилларнинг ақсарияти унга овоз беришди.

(Давоми 2-бетда).

Айни кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида Мустақиллигимизнинг йигирма йиллигини муносиб кутиб олишга қизгин ҳозирлик кўрилмоқда. Хусусан, “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ташаббуси билан қатор вазирлик ҳамда идоралар ҳамкорлигида ўтказилаётган “Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!” шиори остидаги ёшлар фестиваллари лойиҳаси ҳам ана шундай саъй-ҳаракатлар сирасидандир.

ИСТЕЪДОДЛИ, ИНТИЛУВЧАН ВА ФИДОЙИ

Жойларда ўтказилаётган ёшлар фестивалларида ана шундай ўғил-қизлар кашф этилмоқда.

Куни кеча “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгашида мазкур лойиҳа доирасида амалга оширилаётган ишлар ва уларни ОАВда ёритиш масалалари бўйича матбуот анжумани бўлиб ўтди. Тадбирда қайд этилганидек, “Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!” шиори остидаги ёшлар фестиваллари тасдиқланган режа асосида жорий йилнинг 24 апрелдан 8 декабрга қадар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрида ўтказилиши белгиланган.

Айни пайтга қадар бундай тадбирлар пойтахтимизда ва Тошкент, Жиззах, Қашқадарё вилоятлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасида ўтказилиб, ушбу лойиҳа доирасида 100 миңдан зиёд ёшлар иштирок этишди. Эътиборга молик жиҳат шундаки, лойиҳа доирасида ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирлар республикамизнинг энг чекка туманларида ҳам ташкил этилиб, қишлоқ ва овулларда истиқомат қилаётган миңлаб ёш истеъодларни кашф этишга хизмат қилмоқда. Жумладан, шу кунларда биргина Қорақалпоғистон Республикасидаги 40 га яқин объектларда мустақиллиқнинг моҳиятини тарғиб этишга қаратилган, ёшларни ватанпарварликка ёрловчи ишлар тарғибот тадбирлари уюштирилди.

Фестиваллар доирасида ёшлар онгу шуурини муносабати билан Андижон ва Бухоро вилоятларида мазкур муаммага бағишланган акциялар ўтказилиши режалаштирилган.

Омонулла ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ФЕРМЕРЛИК ҲАРАКАТИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ аграр соҳадаги ислохотларни жадаллаштиришга хизмат қилади

Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси, Ўзбекистон Фермер ҳўжаликлари уюшмаси ҳамда Қашқадарё вилояти ҳокимлиги томонидан Китоб туманида “Фермер ҳўжаликлари самарадорлигини ошириш ва ерларни оптималлаштириш масалалари” мавзусидаги семинар ўтказилди.

Тадбирда қайд этилганидек, ўтган йиллар давомида қишлоқ ҳўжалиги соҳасини босқичма-босқич ислох қилиш, фермер ҳўжаликлари ерларини оптималлаштириш асосида йириклаштирилган ва иқтисодий жиҳатдан янада барқарор ҳўжаликлар вужудга келди. Ер, сув, моддий-техника ҳамда меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳисобига самарадорлик ва рентабелликнинг жадал ўсиши таъминланди, фермерларнинг молиявий-иқтисодий аҳволи яхшиланди. Буларнинг барчаси қишлоқ аҳолиси-

нинг даромадлари ва турмуш даражасининг ортishiда намоён бўлмоқда. Эътиборлиси, мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалигида амалга оширилаётган ислохотлар туфайли фермер ернинг ҳақиқий эгасига айланди. Фермерларнинг онгу тафаккурида рўй бераётган ижобий ўзгаришлар, уларнинг қишлоқдаги ҳал қилувчи қулға айланганлиги, меҳнатга, ҳаётга бўлган фаол муносабати бугунги эришилаётган ютуқларнинг асосий омил бўлмоқда.

Назорат

88,7 фоизни ташкил қилмоқда.

Қашқадарё вилоятида фермер ҳўжаликларини оптималлаштириш натижасида ҳар бир фермер ҳўжалигига тўғри келадиган ўртача ер майдони 57 гектардан 102 гектарга кўпайди.

Таъкидлаш жоизки, фермер ҳўжаликларининг самарадорлигини оширишда ва

ИЖТИМОЙ СОҲА РАВНАҚИ — ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2010 йил ва 2011 йил биринчи чорағидаги ижроси яқунлариға бағишланган кенгайтирилган йилгили ўтказилди.

Тадбирда тараққиётнинг “ўзбек модели” асосида изчил амалга оширилаётган чора-тадбирлар мамлакатимизда иқтисодий барқарорликни янада мустақамлаш, ижтимоий фаровонликни юксалтиришда муҳим омил бўлаётгани таъкидланди.

Ҳисобот даврида Давлат бюджетидан ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тадбирлариға 7835,9 млрд. сўм ёки 2009 йилдағига

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.

нисбатан 3,7 фоиз кўп маблағ ажратилган, — дейди қўмита раиси Э. Юсупов. — Хусусан, ижтимоий соҳага йўналтирилган жами харажатларнинг 57 фоизи таълим муассасалари ва уларни ривожлантиришга ажратилди.

Таълим тизимининг самарадорлиги,

ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВИ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ОЧИҚЛИГИ

демократик янгилашниларнинг муҳим шарти

Ҳуқуқий демократик давлат қуриш жараёнида фуқароларнинг ахборот доирасидаги конституциявий ҳуқуқларини фаол амалга ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш муҳим аҳамият касб этади. Бу, ўз навбатида, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги ҳамда ошқоралигини таъминлаш омиллидир.

КОНЦЕПЦИЯ: устувор вазифалар

Давлатимиз раҳбарининг парламент палаталари қўшма мажлисида илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқур-

лаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ахборот соҳасини ислох қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш

(Давоми 2-бетда).

Экспорт — ривожланиш кўзгуси

2011 йилнинг биринчи чорағида мамлакатимизнинг товарлар ва хизматлар экспорти

28,5 фоизга ўсди.

Бир рақам шарҳи

Бундай юқори кўрсаткич Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ва жадал ривожланиётгани, жаҳон бозорида рақобатбардошлиги охиб бораётганининг ёрқин далилидир. Зеро, тараққиётнинг “ўзбек модели” ҳаётга кенг татбиқ этилаётгани туфайли ана шундай юксак натижаларға эришилмоқда.

Дарҳақиқат, Президентимиз ташаббуси билан экспортда тайёр маҳсулотлар уллушини кўпайтириш, янги савдо йўлақларини очиб масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини кўтариш, айниқса, маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсу-

лотлар турини кўпайтириш, юқори қўшимча қийматга эга рақобатбардош халқ истеъмолчи моллари тайёрлаш ҳажмини ошириш бўйича изчил чора-тадбирлар олиб борилаётди. Бу, ўз навбатида, дунёнинг кўпалаб давлатлариға “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” ёрлиғи остида турфа маҳсулотлар чиқариш имкониятини кенгайтирмоқда. Жорий йилнинг биринчи чорағида экспорт салоҳиятимиз янада юксалиб, чет давлатларға, хусусан, машина ва ускуналар, қора ва рангли металллар, кимёвий маҳсулотлар ва озиқ-овқат товарлари сотиш бўйича юқори ўсишға эришилгани эътиборға моликдир.

(Давоми 2-бетда).

АКАДЕМИК АЛЕКСЕЙ ГЛУШЧЕНКО

Ўзбекистон илм-фани оғир жудолукка учради. Машинасозлик механикаси соҳасидаги йирик олим, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги Алексей Данилович Глушченко 77 ёшида вафот этди.



А. Глушченко 1934 йилда туғилган. 1958 йилда Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институтини тугатиб, Тошкент тепловоз-вагон таъмирлаш заводи устаси вазифасида иш бошлади. 1960 йили Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институти аспирантурасига ўқишга кирди. 1964 йилда номзодлик, 1971 йилда эса докторлик диссертациясини химоя қилди. 1984 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб сайланди.

А. Глушченко ўзининг 50 йилдан ортиқ илмий-педагогик фаолияти давомида Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институти доценти, кафедра мудири, профессори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Механика ва иншоотлар сеҳсийк мустаҳкамлиги институти бўлим бошлиғи, лаборатория мудири, Ўзбекистон Фанлар академияси президиуми аъзоси каби лавозимларда самарали меҳнат қилди ва юртимизда муҳандис-механик кадрлар тайёрлаш ишига муносиб ҳисса қўшди.

Йирик олим темир йўл транспорти ва пахтачилик машинасозлиги соҳасига бағишлаб ёзилган ўндан ортиқ монография, кўплаб илмий мақола ва рисола, 50 та патентли иши муаллифи сифатида кенг жамоатчиликка яхши маълум.

Заҳматқаш олим конюяр устоз сифатида кўплаб ёшларга илм-фан сирларини сабоқ берди. Унинг бевосита раҳбарлигида ўнга яқин фан доктори ва ўттиздан ортиқ фан номзоди тайёрланди.

Таниқли олим, меҳрибон устоз, камтарин инсон Алексей Данилович Глушченконинг ёрқин хотираси қалбимизда ҳамisha сақланиб қолади.

И. КАРИМОВ, И. СОБИРОВ, Д. ТОШМУХАМЕДОВА, Ш. МИРЗИЁЕВ, А. АРИПОВ, Ш. СОЛИХОВ, Б. БОНДАРЕНКО

Халқимиз балиқни "луқмай ҳалол" дея эъзозлайди. Сабаби, балиқ таркибида инсон саломатлиги учун зарур кўплаб фойдали моддалар мавжуд бўлиб, мутахассисларнинг фикрича, унинг ўрнини қоплашнинг муқобили йўқ экан. Шунинг учун балиқ ва балиқ маҳсулотлари истеъмол қилишнинг тиббий меъёрлари ишлаб чиқилган. Мамлакатимизда балиқчиликни ривожлантириш, аҳолининг унга бўлган эҳтиёжини тўла қондириш, ҳавзалар маҳсулдорлигини оширишга қаратилган изчил ислохотлар олиб борилаёпти.

ҲАВЗАДАГИ ҲАЗИНА

Балиқчилик Шу мақсадда кейинги йилларда қишлоқ ҳўжалигининг ушбу тармоғида бозор муносабатларига асосланган янги тизим шакллантирилди. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 августдаги "Балиқчилик тармоғида монополиядан чиқариш ва хусусийлаштиришни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим омил бўлди.

Мазкур қарорга мувофиқ, республикаимиздаги мавжуд табиий ва сунъий сув ҳавзалари хусусийлаштирилиб, балиқчилик корхоналари ҳамда фермер ҳўжаликлари ташкил этилди. Янги ҳўжалик юритуви субъектларида балиқ етиштиришнинг замонавий технологиялари жорий қилинаётгани тўғрисида маълумотлар тайёрлаш ҳамда йил сайин ошмоқда. Утган йили 10 минг 732 тоннадан зиёд балиқ овланиб, ўсиш суръати 16,2 фоизни ташкил этгани, 2 миллион 584 минг АҚШ долларлик маҳсулот экспортга чиқарилгани бунинг яққол тасдиғидир. Бу йўналишда, айниқса, Бухоро, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларида юқори натижаларга эришилди.

— Шу мезонда ўлчанганда, албатта, сунъий ҳавзаларнинг устунлиги кўзга ташланади, — дейди Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги бошқармаси бошлиғи Муратали Мустафоев. — Бундай ҳавзаларнинг гектаридан йилга 30-40 центнергача балиқ овланапти. Чунки улар, асосан, бозор-боп балиқ етиштиришга ихтисослаштирилганлиги сабабли, кўп миқдорда чавоқлар ташлини парваришланади. Масалан, жорий йилда 27,2 миллион дондан ортиқ бир йиллик чавоқларнинг 19,3 миллиондан ортиғи сунъий кўлларга кўчирилди. Уларнинг вази мавсум охиригача 1 килограммгача етказилиб, сўнгра овланади.

Сунъий кўллар туҳфаси

Очиги, яқин-яқингача айрим кишилар мамлакатимизда балиқчилик тармоғини истиқболсиз, дея ҳисоблаб, ўз фикрини Орол денгизининг қуриши билан исботлашга уринар эди. Эҳтимол, чиндан ҳам, сирдан қараганда, умидан

Чавоқдан — тайёр маҳсулотгача

Мутахассисларнинг таъкидлашича, балиқчилик ривож, кўп жиҳатдан, қўшимча тармоқлар истиқболига боғлиқ. Мамлакатимизда масаланинг бу жиҳати алоҳида эътибор қаратилаётгани муваффақиятлар омили бўлапти. Гап шундаки, кейинги йилларда балиқ чавоқлари етиштиришдан тортиб, маҳсулотни аҳолига сифатли етказиб беришгача бўлган жараёни қамраб олган ягона тизим яратилди. Балиқчиликни ривожлантириш илмий тадқиқот марказига қарашли Минтақавий балиқ чавоқлари етиштириш пилотинида интенсив технологиялар жорий қилинган. Чиноз туманидаги дондор балиқ озукаси ишлаб чиқариладиган завод қайта таъмирлангани, Самарқанд автомобиль заводида тирик балиқ ташиш машиналари ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани, жойларда 190 та замонавий балиқ сотиш шохобчаси очилгани шундан далолат беради.

Интенсив усул истиқболи

Бозор иқтисодиёти шариоити барча соҳалар, хусусан, балиқчиликда ҳам мавжуд имкониятлар билан чекланиб қолмасдан, умуман олганда, балиқчилик корхоналари ҳамда фермер ҳўжаликларида замонавий технологияларни жорий қилиш ва қайта жиҳозлаш, озука базасини мустаҳкамлаш, уларнинг айланма маблағларини шакллантириш учун шу йилнинг ўзида 8 миллиард сўм миқдорда кредитлар йўналтирилиши режалаштирилгани қувонарлидир. Бундай савий-ҳаракатлар натижасида ҳавзалардаги ҳазиналар янада кўпайиб, балиқ етиштириш ҳамда ўтган йилдагига нисбатан 40 фоизга ўсиши, бошқача айтганда, юртимиз аҳолисига 15 минг тонна балиқ тортиқ қилиниши кўтиляпти. Шунинг ўзиёқ қишлоқ ҳўжалигининг муҳим тармоғида олиб борилаётган янгиланишлар юқсак самара бераётганини яққол кўрсатиб турибди.

— Республикаимиздаги мавжуд сув ҳавзалари ирригация эҳтиёжларига мослаштирилган, — дейди Балиқчиликни ривожлантириш илмий тадқиқот маркази директори Руҳилло Курбонов. — Уларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланиб бораётгани балиқчилик ривожига му-

нинг муқобил йўллари кидириб топиши тақозо этмоқда. Бунда, шубҳасиз, илм-фаннинг илгор ютуқлари ва инновация янгилари билан боғлиқ бўлган самарани беради. Марказ ташаббуси билан босқичма-босқич жорий қилинаётган сават ва басейнларда балиқ етиштириш технологияси бунга ёрқин далилдир.

Бугунги кунда интенсив балиқчилик ҳўжаликларини 230 та бўлиб, уларнинг сони йил сайин кўпайиши кўтиляпти. Бунинг учун имконият ҳам, шарт-шароит ҳам етарли. Айтайлик, асосий ускуна — ҳавзаларни Самарқандда фаолият кўрсатаётган "Стеклопластик" очик акциядорлик жамиятида ишлаб чиқариш йўлга қўйилган бўлса, ҳўжалик юритушининг бу шаклига мос балиқ турлари Балиқчиликни ривожлантириш илмий тадқиқот марказида кўпайтирилмоқда.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, янги усул кўпгина афзалликлар билан ўзини оқляпти. Утган йили Тошкент, Андижон, Бухоро ва Сурхондарё вилоятларида ташкил этилган 30 та балиқчилик ҳўжалигининг фаолияти бунга мисол бўла олади. Янги технологиянинг яна бир қулайлиги шундаки, уни қўллаш орқали республикаимизнинг барча ҳудудларида балиқчиликни йўлга қўйиб, экологик тоза маҳсулот етиштириш мумкин. Шунинг учун жорий йилда ҳар бир туманда интенсив усулда биттадан балиқчилик ҳўжалиғи ташкил этиш бўйича ишлар жадал олиб боришмоқда. Бунда тижорат банкларининг молиявий кўмағи катта бўлаётганини алоҳида қайд этиш жоиз.

Саид РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Инжуман

Қарши иқтисодиёт коллежида касб-хунар таълими тизимини модернизациялаш, инновацион таълим технологияларини ривожлантириш истиқболларига бағишланган республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

Унда Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Жиззах, Хоразм, Сурхондарё вилоятларидан тадқиқотчи олимлар, соҳа мутахассислари ҳамда журналистлар иштирок этди. Анжуманда касб-хунар коллежларида таълим самардорлигини оширишда замонавий асбобот ва педагогик технологияларни қўллаш, ёшларнинг маънавий тарбиясини шакллантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

М. АҲАДОВ.

ОИЛАВИЙ БИЗНЕС БАРАКАСИ

Юртимизда тадбиркорликнинг янги тури — оилавий бизнес тораб ривожланиб бораётди. Бунга Узув туманидаги Оби заранг маҳалласи аҳолисининг ишбилармонликлари мисолида гувоҳ бўлиш мумкин.

«Ориф У» хусусий фирмаси раҳбари Абдуваф Раҳмонов — шундайлардан бири. У истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ тадбиркорликка қўл урган эди. Ҳозир бу ерда ишлаб чиқарилаётган гиштга талаб юқори, айниқса, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойлар пудратчилари харидор. Бундан ташқари, тадбиркор ҳар бири тўрт сотихлик иккита иссиқхонадан ҳам мўмай даромад топомоқда.

— Ер ишлаганни қуруқ кўймаслиги рост экан, — дейди у биз билан суҳбатда. — Мана, серхосил помидор навидан йигирма тоннадан зиёд ҳосил сотган бўлсак, бодрингдан 30 миллион сўмлик фойда кўрдик.

Нормурод ТЕМИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи Иқтисодий Фаолият Миллий Банки. сервер ускуналарини миллий валютада етказиб бериш бўйича тендер эълон қилади.

ADOLAT SOQCHISI АДВОКАТЛИК БИРОМОН. Ўз ҳуқуқларингизни ҳимоя қилинг!

UZTRANSOAZ «ЎЗТРАНСГАЗ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ. Ҳурматли юртдошлар!

Ташқи Қувурлар. Тошкент Труба Заводи ҚК. ўзидан ишлаб чиқарилган куйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ККС билан кўшиб кўрсатилган).

Nestle «Nestle Uzbekistan» MChJ. Тошкент шаҳридаги заводда қурилиш-монтаж ишларини олиб бориш учун танлов эълон қилади.

...Тоҳир ака Ҳожиаҳмедов ён қўшниси нохуш ҳодиса боис оғир аҳволда шифохонага тушганлигини эшитдию унинг ёнига шошилди. Суриштириб билса, беморга зудлик билан қон куйиш лозим экан. У вақтни бой бермасдан Республика Қон марказига бориб, донорлик қилишга аҳд қилди.

САХОВАТГА ЙЎҒРИЛГАН ТАШАББУС



— Бундан бир неча йил аввал, талабалик давримда бир-икки бор донорлик қилгандим, — дейди Тоҳир ака биз билан суҳбатда. — Уша вақтларда бундай шарт-шароитлар, қулайлик ва имтиёзлар йўқ эди. Шифохонадаги кичик бир бўлимга бориб қон топширилар, хатто қанча қон бераётганини кўрмас, билмас ҳам эдингиз. Бугун эса замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган махсус марказларда, ортиқча оворагарчиликларсиз тўлиқ тиббий текширувдан ўтиб, шу ернинг ўзида қон топшириш мумкин. Марказ ходимларидан донорликнинг саломатликка қандай фойда ёки зарари борлиги билан қизиқдим, бу ҳақда батафсил маълумот беришди. Бундан бунён қон топшириш учун марказга тез-тез келиб туриш ниятидаман.

Дарҳақиқат, бугун мамлакатимиз миқёсида беғараз донорликни ривожлантиришга юксак эътибор қаратилмоқда. Хусусан, "Қон ва унинг таркибий қисмлари

донорлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, қон хизмати муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш, қон ва унинг таркибий қисмлари хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, кенг жамоатчилик орасида беғараз донорликни ривожлантиришга қаратилган қатор дастурлар ишлаб чиқилиб, ҳаёт

14 июнь — Халқаро донорлар куни

га татбиқ этилди. Натижада Республика Қон маркази ҳамда унинг худудий филиаллари муҳташам бино ҳамда мукамал техник жиҳозларга эга бўлди.

Шуниси ҳам борки, қоннинг хавфсизлигини фақатгина замонавий техника ёрдамида таъминлаб бўлмайди. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсияларига кўра, хавфсиз қон ҳеч бир манфаатдорликни кўзламаган, беғараз, ўз хоҳиш-иродаси билан келган донордангина олинади. Негаки, бундай донорлар ўзининг саломатлиги ҳамда турмуш тарзи ҳақида аниқ, ишонarli маълумот бера олади. Бу эса қоннинг хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эгадир.

— Донорлар 18 дан 60 ёшгача бўлган соғлом инсонлардир, — дейди Республика Қон марказининг Донорлар бўлими бошлиғи Мукаррам Пулатова. — Улар бизнинг муассасага мурожаат қилгач, тўрт босқичли тиббий текширувдан ўтказилиб, шифокор тавсия бергач, донорлик қилишади. Соғлом киши учун қон топшириш, албатта, хавфсиз ҳисобланади. Чунки одам организмида 4,5 — 5 литр

майти. Ваҳоланки, бугунги кунда жаҳон миқёсида олиб қаралса, қон ва унинг таркибий қисмларига бўлган эҳтиёжни қоплаш учун ҳар минг кишидан 50-60 нафари қон топшириши лозим бўлади. Чунки инсонга шилинч тиббий ёрдам ҳар дақиқа зарур бўлиши ва сизу бизнинг қонимиз оғир аҳволда ётган бир беморнинг ҳаётини сақлаб қолишда асқотиши мумкин.

Мазкур жиҳатлар инобатга олиниб, Республика Гематология илмий текшириш институти ва Қон маркази ташаббуси билан турли вазириликлар, идоралар, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда бир қатор нодавлат-нотижорат ташкилотлар ҳамкорлигида кенг жамоатчилик орасида бадалсиз донорликни ривожлантириш, айниқса, ёшларнинг тиббий маданиятини юксалтиришга қаратилган маънавий-маърифий тадбирлар, акция ва форумлар ўтказилмоқда. Жумладан, 14 июнь — Халқаро донорлар куни муносабати билан Республика Қон марказида беғараз донорликни тарғиб қилишда фаоллик кўрсатган бир гуруҳ мутахассисларни тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Шу куни марказнинг жойлардаги кўчма қон олиш бригадаларига махсус автомашиналар ҳам топширилди.

Энг муҳими, бу каби эзгу саъй-ҳаракатлар фақат мўайян бир сана муносабати билан эмас, балки ҳар куни ва ҳар ерда доимий равишда амалга оширилмоқда. Зеро, асосий мақсад савобталаб халқимиз, шижоатли ёшларимизни беғараз донорликке инсонийликка хос эзгу ташаббуслар сари ундашда оқилона чора-тадбирларни изчиллик билан давом эттиришидир.

Муборак ОХУНОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

Fitch Ratings
 қилқаро рейтинг агентлиги

«МИКРОКРЕДИТБАНК ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ»

қилқаро кредит рейтинг даражасини

«БАРКАРОР»
 ДИО ТИСОЛАНДИ.

Blood's Innovations Ltd.

2011 йилнинг 14 июнида

«Blood's Innovations Ltd.» компанияси билан турли вазириликлар, идоралар, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда бир қатор нодавлат-нотижорат ташкилотлар ҳамкорлигида кенг жамоатчилик орасида бадалсиз донорликни ривожлантириш, айниқса, ёшларнинг тиббий маданиятини юксалтиришга қаратилган маънавий-маърифий тадбирлар, акция ва форумлар ўтказилмоқда.

Жумладан, 14 июнь — Халқаро донорлар куни муносабати билан Республика Қон марказида беғараз донорликни тарғиб қилишда фаоллик кўрсатган бир гуруҳ мутахассисларни тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Шу куни марказнинг жойлардаги кўчма қон олиш бригадаларига махсус автомашиналар ҳам топширилди.

«БАРКАРОР».

Тадбиркор С. Жалғасбаева саъй-ҳаракати билан Нукус шаҳри марказида икки қаватли савдо мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Бунёдкорлик

Мажмуа — эл хизматида

Сервис хизмати кўрсатишга ихтисослаштирилган ушбу «Евросавдо-сервис» масъулияти чекланган жамияти банкдан олинган 150 миллион сўмлик кредит эвазига ташкил этилди.

Айни пайтда мазкур мажмуада дўконлар билан бир қаторда, тантанали маросимларни ўтказишга мўлжалланган зал ҳам аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

Ҳ. АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Хонадонларга зилол сув

Навбахор туманида икки километрдан ортиқ масофага қувур тортилиб, Янгийўл қишлоғи аҳолисининг тоза ичимлик суви таъминоти яхшиланди.

Ушбу хайрли иш «Рўзиқул Барҳаёт» хусусий корхонаси бунёдкорлари томонидан амалга оширилди. 50 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланган мазкур лойиҳа туфайли 2400 нафар аҳоли истиқомат қиладиган хонадонларга зилол сув кириб борди.

Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ОБ-ҲАВО (14 июнь)

Коракалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, айрим жойларда қисқа муддатли ёмғир ёғиши мумкин. Кечаси 18-23, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.

Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, баъзи худудларда ёмғир ёғиши қўтилмоқда. Тунда 19-24, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади.

Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари. Ёмғир ёғади. Тунда 18-23, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.

Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғади. Кечаси 20-25, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади.

Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари. Айрим жойларда ёмғир ёғиши қўтилмоқда. Кечаси 18-23, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.

Тошкент шаҳри. Ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғиши мумкин. Ҳарорат тунда 20-22, кундузи 35-37 даража иссиқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

«ГАЗЕЛЬ БИЗНЕС»
 АВТОМАШИНАЛАРИ

	ГАЗ-3701 «Газель Бизнес» Мотори: 1,9 л, 55 кВт (75 л.к.) 2008 й.с. Тўлиқ қўл. ба. НОВО!
	ГАЗ-3701 «Газель Бизнес» Мотори: 1,9 л, 55 кВт (75 л.к.) 2008 й.с. Тўлиқ қўл. ба. НОВО!
	ГАЗ-3701 «Газель Бизнес» Мотори: 1,9 л, 55 кВт (75 л.к.) 2008 й.с. Тўлиқ қўл. ба. НОВО!
	ГАЗ-3701 «Газель Бизнес» Мотори: 1,9 л, 55 кВт (75 л.к.) 2008 й.с. Тўлиқ қўл. ба. НОВО!

«ГАЗ» АВТОСАЛОНИ

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти жамоалари департамент директори ўринбосари
Турсунбой МАМАТҚУЛОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
 Народное слово

МУАССИСЛАР:
 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонуночилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 603. 67044 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
 Девонхона 233-52-55;
 Котибият 233-10-28; Эълолар 232-11-15.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғоев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

☎—Тижорат материал

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
 Навбатчи котиб — А. Орипов.
 Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
 Навбатчи — Ю. Буринов.
 Мусоҳҳа — С. Исмолов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 03.40 Топширилди — 04.00 1 2 3 4 5